O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
QO'QON SHAHAR
HOKIMI
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
ГОРОДА КОКАНДА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

"22" 08 2019 yil Qo`qon shahar

914 -sonli

Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида шаҳардаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида

Шаҳар халқ таълими бўлимининг 2019 йил 22 июлдаги "Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида шаҳардаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида"ги 021/663-сонли мурожаатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-боб, 39-банди ва Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 6,25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳар Халқ таълими бўлимининг 2019 йил 22 июлдаги "Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида шаҳардаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида"ги 021/663-сонли мурожаати қаноатлантирилсин.
2. Шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш жадвали 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.
3. Ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Р.Дехқонбоев ҳамда шаҳар Халқ таълими бўлими мудири И.Расуловлар зиммасига юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI QO'QON SHAHAR HOKIMLIGI
BAYON QISMI

Қўқон шаҳар ҳокими **М.Усмонов**